



Сени шубҳага солган нарсани қўйгин-да, шубҳалантирмайдиган нарсани ол. Содиқлик ҳотиржамликдир, ёлғон эса хавсирашликдир

Абул Ҳавроъ Саъдий айтадилар: «Ҳасан ибн Али разияллоҳу анҳумога: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан нимани ёдлаб олгансиз», – дедим». «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мана бу сўзларни ёдлаб қолганман дедилар: «Сени шубҳага солган нарсани қўйгин-да, шубҳалантирмайдиган нарсани ол. Содиқлик ҳотиржамликдир, ёлғон эса хавсирашликдир».

[Саҳиҳ] [Термизий, Насоий ва Аҳмад ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳалол ёки ҳаромлиги аниқ бўлмаган шубҳали сўз ва амалларни тарк қилиб, ҳалоллигида шубҳа бўлмаган амалларни бажаришга буюрдилар. Шунда қалб хавсираш ва изтиробдан ҳоли, хотиржам ва сокин бўлади.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/4564>

